



#04 (05) апрель
2018 ийл

AGROTEHNIKA

ДҮЛҮӨСІ

ISSN 2181-9173

МИР АГРОТЕХНИКИ



46
Эффект
бабочки



ЗАВОД ХАМ КАТТА ОИЛА

22



27 ГОЛЛАНДИЯ
инновацион
зироати



МҮЖИЗА
шунчаки содир
булмайды

42 НОВЫЕ
опрыскиватели
RoGator серии С

Салохият ва иқтидор панада қолмайды 19

19

AgroWeek

ТАҲРИР КЕНГАШИ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

Абдуҳалил РАШИДОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
бошқарув раисининг биринчи ўринbosари

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ:

Рафиқ МАТЧАНОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси,
техника фанлари доктори, профессор

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

Азмиддин САДРИДДИНОВ Тошкент Давлат техника университети профессори,
техника фанлари доктори, академик

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ техника фанлари доктори, профессор

Баҳодир МИРЗАЕВ Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислик институти проректори, техника
фанлари доктори

Ашраф МУҲАМАДИЕВ техника фанлари доктори, профессор

Анвар РИЗАЕВ Ўзбекистон фанлар академияси Механика ва иншоатлар
сейсмик мустаҳкамлиги институти Баш илмий ходими,
техника фанлари доктори, профессор

Бахтиёр ШАЙМАРДОНОВ Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини
давлат синовидан ўтказиш маркази Баш директори,
техника фанлари доктори, профессор

Азамат ЮЛДАШЕВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринbosари,
“Ўзагротехмаш” АЖ Баш директори

Анвар САТТАРОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринbosари,
“Ўзагролизинг” АЖ Баш директори

Исройл УСМОНОВ “Қишлоқ хўжалик машинасозлиги конструкторлик-технологик
маркази” МЧЖ директори ўринbosари

Шерзод МАҲМУДОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи

Паҳриддин ХОЖИЕВ “Ўзагролизинг” АЖ Баш ҳуқуқшуноси

Анвар ПИРМАТОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ акциядорлар билан
корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси

МУНДАРИЖА

Жараён 3

Сайдолим ҲАЙДАРОВ
Завод ҳам катта оила

Хужжат 7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида
қишлоқ хўжалиги техникаси билан
таъминлаш механизмларини
янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида

Ислоҳот 10

Сайд РАҲМОНОВ

Фермерларга зарап
келтирадиган экинлар экилмайди
Билиб қўйган яхши

14



Аграр секторни
суғурталашнинг жаҳон амалиёти

Инновация 17

Нодир ҚОБИЛЖОНОВ

Тупроқ клиникалари

Сўранг, жавоб берамиз 18



2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион
гоялар ва технологияларни
қўллаб-қувватлаш йили

InnoWeek

Шаҳзода АБЖАББОРОВА

Салоҳият ва иқтидор
панада қолмайди

Таққос ва таҳдид 19



Олим ЭРГАШЕВ

Мўъжиза
шунчаки
содир
бўлмайди

19

22



СОДЕРЖАНИЕ

Хабарингиз борми? 25



НАНОТЕХНОЛОГИЯЛARНИ
ривожлантириш билан маҳсус
Марказ шуғулланади

ҲАДИСлардан қайдар 26

Хориж тажрибаси



27

Баҳридин ЗАРИПОВ

Голландия инновацион зироати

Кашфиёт 30

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Лабораториядан – далага

Компаниялар тарихи



Ер билан тиллаша оладиган
Lemken маҳсулотлари

Бизнес одоби 32

Элёр ҲАСАНОВ



Саломатлик 34

Гўштлар ҳақида

Ҳажвия 54

Муродбой НИЗАНОВ

Қорангни учир

Кулгуаром 55

Ҳар соҳадан бир шингил

Наука и техника 35

Рафик МАТЧАНОВ

Анализ изменений показателей
сбора хлопка вертикально-
шпиндельной хлопкоуборочной
машиной при случайных
возмущениях

Анализ 38

Адилбек АХМЕТОВ,
Шерзодбек АХМЕДОВ,
Равшан БОТИРОВ

Определение тягового класса
трактора с регулируемым клиренсом

Машиностроители

40



СП ООО «Chirchiq mashagro»

Новости брендов



42

Премьера весны

Проблемы и решения 44

Фарход МАТМУРОДОВ

Демпфирование вертикальных
вибраций остава трактора
с упругодемпфирующим приводом

Технологии



46

Эффект бабочки

Прогнозы 47

3 самые высокооплачиваемые
агропрофессии будущего

Исследования

48

Адилбек АХМЕТОВ,
Шерзодбек АХМЕДОВ,
Равшан БОТИРОВ

К вопросу проверки
навесспособности садово-
виноградникового трактора

Спецтехника & коммерческий транспорт



50

Калейдоскоп 52

Юмор 53


Жараён



ЗАВОД ҲАМ КАТТА ОИЛА

Юртимизда “Тошкент трактор заводи”ни билмаган, эшиитмаган одам бўлмаса керак. Жилла бўлмаса, “ТТЗ” мавзеси мағзини чақишга уринган инсоннинг онг-шуурида бир зумда бу хусусда фикр-қарашлар уйғонади. Айниқса, футболнинг ашаддий ишқибози бўлса, бир дегунча, заводнинг собиқ “Трактор” камандасини эслайди.





Эндилика “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” акциядорлик жамияти деб аталаётган корхонанинг солномаси ўзига хослиги билан ажралиб турди. Зеро, мамлакатимиздаги энг кўхна ва йирик ишлаб чиқариш корхоналардан бири ҳисобланган ушбу даргоҳ турли йилларда қишлоқ хўжалигининг том маънодаги таянч нуқтасига айланди. Агар заводнинг ташкил топганидан то бугунгача босиб ўтган ҳаёт йўлини йиллар кесимида қозозга туширилса, кам деганда, 100 та китобга жой бўлади десак, асло муболага бўлмайди. Ҳозирча “отахон” корхонанинг бугуни ва эртаси билан чекланамиз.

Билсангиз, завод пойтахтимиздаги “Буюк ипак йўли” кўчасининг энг этагида жойлашган. Аммо эрталабдан ёки куннинг ярмидан ошиб бу ердаги одамлар оқимини кўрсангиз, ҳайратингиз ошади. Чақ-чақлашиб келаётган шодон ёшлар, вазминроқ одимлаётган ўрта авлод вакиллари, дам ўзбекча, дам қозоқча ёки бир-бири билан рус тилида турли мавзуларда сўзлашиб, қадрдон ишхонаси томон ошиқаётган аёллар беихтиёр эътиборингизни тортади.

Корхонанинг асосий кириш-чиқиш назорат пункти. Бу ерга ўрнатилган турникетларнинг бир зум бўлсада чийиллаган “жаги” тинмайди. Ишонмаслигингиз мумкин, бироқ одамлар оқими кетма-кетлигининг кўплигидан бечора турникетнинг “мияси” қизиб кетганидан баъзан ишламай ҳам қолади. Шунда ёрдамчи ўтиш йўлакчалари назоратчи орқали ишга тушади.

Ярим соатнинг нари берисида бу жараён тугаб, худудда нисбатан сокинлик бошланади. Одамлар оқими энди текис асфальтланган, йўл ҳаракати белгилари ўрнатилган, атрофи тоза ва озода кўчадан куйи томон оқа бошлайди. “Заводчи”лар таъбирича, бу “Мусин кўчаси” деб аталади. Ана шу кўча бўйлаб ёки сал ичкарилаб борсангиз, турли бинолар, иншоотларга кўзингиз тушади. Пештоқига мазкур цех ёки ёрдамчи бинодагилар нима иш билан машғуллиги тўғрисидаги лавҳаларга кўзингиз тушади. Ҳаял ўтмай, гавжум кўча ҳам ҳувиллаб қолади. Энди қайноқ ҳаёт, ичкарига – цехларга кўчади.

Ушбу кўчанинг охири кўркам бир бинога бориб тақалади. У 5-цех. Таъбир жоиз бўлса, ушбу цех корхонанинг уриб турган юраги, юзи, обрў-эътибор келтирадигани. Зеро, айнан шу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот тайёрловчига раҳмат, миннатдорлик келтиради. Маҳсулот тайёрлашдаги бирор-бир хатолик ёки сифатсиз бажарилган иш эса йиллар давомида топилган обрў-эътиборни бир пул қилиши ҳам ҳеч гап эмас.

Цех томон ичкарилаб борар эканмиз, аввало, бу ерда замонавийликни ҳис эт-

дик. Энг эътиборлиси, чор-атрофда саранжом-саришталик.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Фарҳод Балтабаев бизни иш жараёнлари билан таништира бошлади. Сураткашимиз енг шимариб, ишга киришиб кетди. Мен эса, заводнинг ишлаб чиқариш қувватлари бўйича жорий йилнинг январь-май ойлари оралиғидаги маълумотлар базасини кўздан кечира бошладим.

Трактор русумлари ва уларнинг ишлаб чиқарилган микдори эътиборимни тортди: TD5.110 - 321 та, T6070 - 196 та, MT3 1523 - 199 та, LS-100HC - 102 та, TT3-811 - 10 та, U62 - 100 та. Уларнинг айрим бутловчи қисмлари Туркия, Италия, Жанубий Корея, Хитой, Беларусь, Россия каби давлатлардан келтирилади. Бундан ташқари, шу даврда ХУМ1,8 ва ХУМ 2,4 пахта терим машинасидан 2 тадан йигилган. Гап шундаки, заводда қишлоқ хўжалигидаги мавсум инобатга олиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқилган. Мисол учун, эрта баҳорги экин-тиқин пайтида хайдов ва чопик тракторларига талаб ошиши инобатга олинса, ҳосил пишишига қараб, ўрим-терим машиналари ишлаб чиқаришга зўр берилади. Шу маънода, пахта терим машиналари ва тиркамалар ишлаб чиқариш даври бошланмоқда. Гарчи ҳисобот даврида 2ПТС-4-793А-03А (4-4,5тн.) русумидаги тиркамалардан 120 та ишлаб чиқарилган бўлсада, мавсум бошлангунга қадар бу микдор салмоғи сезиларли кўпаяди.

Цехнинг ишлаб чиқариш бўйича мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Салоҳиддин Турсунмуротов ҳамроҳлигига қатор қилиб териб қўйилган трактор кабиналарини жиҳозлаётган ишчиларга яқинлашамиз. Улардан бири кабиналарнинг ташқи, иккинчиси ички тарафини бутляяпти. Дикқат билан қараб турсангиз, уларнинг кўллари худди чеварларникадай харакатланаётганига гувоҳ бўласиз. Участка бошлиғи Элдорбек Жумашевнинг қўли бўшашини анча кутишга тўғри келди. Вақтдан қизғонгани шундоқ юз-кўзидан билиниб турарди. У етакчилик қилаётган участкада 30 яқин ишчи меҳнат қиласи. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бириси ўз ишининг устаси. Умуман, 100 ишчининг нари-берисида меҳнат қилаётган жамоанинг аксариятини ёшлар ташкил қиласи. Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат шу бўлдики, уларнинг кўпчилиги соҳаси бўйича олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга.

Цехда деярлик барча юмушлар конвейер усулида ташкил этилган. Содда қилиб айтганда, эрталаб куп-куруқ ҳолатда турган рама кун ботмасдан “гижинглаган от”га айланади.



Кабинани ўрнатиш жараёни ҳам жуда қизиқарли кечади. Сал аввал кўриниши юпун одамдай кўринган трактор кабина ўрнатилгач, бутунлай ўзгача манзара кашф этади.

Дарвоқе, трактор кабиналарига бош суқсангиз, ундаги турли-туман муруватлар ақлингизни шоширади. Ўтиргичини айтмайсизми? Жоннинг роҳати.

Шуларни кузатар эканман, бир зум ҳаёлимдан ўтган асрнинг 70 йилларида бир лавҳа ўтди.

ЛИРИК ЧЕКИНИШ

Уйимиздан сал узоқда “Яланг” деган чала асфальтланган майдон бўларди. Ана шу майдонга қишлоқ аҳли пишиқчиликда йигиб олган буғдой поясини алоҳида-алоҳида ғарам қилиб уюб қўярди. У пайтлар комбайнлар камлигидан буғдой поясини янчиш “қўлбола” усулда бажариларди. Яъни, мавсумий дала ишлари жилла камайган пайти тракторлар ёрдамида бу иш бажарилар эди. Буғдой пояси ўрамининг маълум бир қисми майдонга 30-35 см баландликда ёйилар, сўнг унинг устида трактор паст тезлиқда айланма тарзда ҳаркатланиб, буғдой поясини янчар эди. Тўхташвой исмли тракторчи бу ишнинг ҳадисини олганлиги боис кўпчилик унга мурожаат қиласиди. Шундай кунларнинг биррида қарасам, трактор айланниб ётиби, устида одами йўқ. Тўхташвой амаки ва уч-тўрт одам майдон четроғидаги тут дарахти тагида чойлашиб, ҳангома қилишмоқда. Бир киши ҳар-ҳар замонда буғдой поясини паншаха билан трактор ғилдираги тагига ташлаб

турибди. Не кўз билан кўрайки, тракторнинг рули унинг ярим синган соябонининг темирига икки тарафдан белбоғ билан боғлаб қўйилиби. Ярим соатми, кўпроқми трактор шу зайлда айлангач, ғарам тугади. Тўхташвой тракторчи унинг устида қандай пайдо бўлганини англамай ҳам қолдим. Аммо у уловни кейинги ғарамга қараб ҳайдаб кетгани кечагидай эсимда...

Хозирда “ҳайдовчисиз машиналар”, “учувчисиз қурилмалар” хусусида бот-бот гапирилмоқда. Аслида жайдарича айтганда, биз ўзбеклар бундай “муваффақиятга” ярим аср аввал эришган эканмиз, деб қўяман ўзимча.

Ёши катталар яхши билишади. Яқин-яқингача қишлоқдаги тракторлар пешонасига аккумулятор деган матоҳ бир марта ёзиларди. У ишдан чиқишидан сал аввал эса тракторчи уйининг кўча тарафидаги ўнғайроқ жойига бир мосин тупроқ тўқтириб, қўлбола баландлик ясади. Ишини тугатгач, тракторни ана шу “чўққига” миндириб, оромга кетарди. Эрталаб ана шу чўққи аккумулятор вазифасини бажаарарди. Қишининг совуқ кунлари трактор мотори ўт олмаса, ёрдам кучи етиб келарди. Шатак! Энди лирик чекинишдан реал ҳаётга ўтсак.

ИШХОНА – МУРОДХОНА

“ТҚХТЗ” АЖда ҳозирда ишлаб чиқарилаётган тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникалари катта авлодидан кўп тарафлама фарқ қиласиди. Улардан бирининг қисқача техник кўрсаткичларига тўхтамиз. Мисол учун, New Holland

T6070 универсал-шудгорловчи тракторининг қуввати 140 от кучига тенг. Максимал тезлиги соатига 40 км. Цилиндрлар сони 6 та. Ёнилги бакининг ҳажми 250 литр. Албатта, юқорида таъкидланганидек, тракторлар кабинасидаги комфортабеллик ҳар қанча таҳсинга лойик.

Айтиш ўринлики, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ маҳсулотлари орасида пахта териш машиналари алоҳида нуфузга эга. Нафақат ички, балки ташки бозорда ҳам талаб ошиб бораётган ушбу маҳсулот тайёрлаш цехида ҳам бўлиб, иш жараёнлари билан танишдик. Заводнинг З-пахта териш машиналари йиғув цехи бошлиғи Абдусаттор Ортиқов, тажрибали усталар Аҳмад Сайдалиев, Юсуф Сейтиевлар билан дилдан сұхбатлашдик.

– Маҳсулотларимизни яна хорижга сота бошладик, – деди А.Ортиқов. – Бу бизни сифат ва самарадорликка янада жиддий эътибор бериш орқали корхонализм брендини жаҳон даражасига чиқариш сари ундейди. Халқимизда “Ишхона – муродхона” деган нақл бор. Илоҳим ишимиз доимо бароридан келиб, муродимиз ушалаверсин!

Қош қорайиб, оқшом чўкаётир. Энди одамлар оқими заводдан кўчага, сўнг, қадрдан гўшаси томон ошиқмоқда. Уларнинг юзида чарчоқлик, ҳорғинлик аломатлари сезилмайди. Аксинча, чеҳрасида шодонлик, дилида шукроналик балқ уриб тургани шундоқ кўзга ташланади.

■ Сайдолим ҲАЙДАРОВ.



Ҳужжат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими қайта ташкил қилинди. Натижада биргина 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва лизинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажми 1,7 баравар, механизация хизматлари ҳажми 2,5 баравар ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арzon техника билан таъминлаш, техника паркини янгилаш, шунингдек, уларга ўз вақтида сервис хизматини кўрсатиш ишларida жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, реал эҳтиёж, агротехника тадбирларини ўтказиш муддатлари ва молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, машина-трактор парклари, тегишли хизматлар кўрсатувчи хусусий ташкилотлар, шунингдек, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича буюртмаларни шакллантириш, шартномалар тузишнинг бозор механизмлари мавжуд эмас;

иккинчидан, энг мақбул агротехник муддатларда оммавий қишлоқ хўжалиги ишларини

амалга ошириш учун ўзиорар қишлоқ хўжалиги техникаси етарли эмас, ўз вақтида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмаган;

учинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги, оқибатда, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси таннархининг рақобатбардош эмаслиги механизация хизматлари ва ишлаб чиқарилаётган якуний маҳсулот нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизми мукаммал эмас, лизинг механизмлари, хусусий сервис ташкилотлари ва фермер хўжаликлари маблағларини жалб этишдан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш ва модернизация қилиш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан жиҳозлаш даражасини янада ошириш, агротехника ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ томонидан шакллантирилган 2018 йилда ҳудудлар кесимида, жумладан, лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансанин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун буюртмалар портфелини шакллантириш устувор равишда бир йилда икки марта –февраль-март ва сентябрь-октябрь ойларида маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокида ўтказиладиган ҳуддий ярмаркалар давомида амалга оширилади. Бунда февраль-март ойларида қишлоқ хўжалиги техникасини жорий йил учун, сентябрь-октябрь ойларида – келгуси йил учун етказиб бериш бўйича қўшимча шартномалар тузилади;

ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хўжалиги техникаси учун олдиндан тўлов етказиб берилаётган техника нархининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб бериш бошланишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, якуний ҳисоб-китоб эса етказиб берилган техника қабул қилингандан кейин 10 иш куни давомида амалга оширилади;

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК 1-иловага мувофиқ етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун товарларни сотиб олиш бўйича импорт контрактларининг комплекс экспертизасини амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

2018 йилда туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрларини, шунингдек, ушбу қарорни инобатга олган ҳолда, уларни молиялаштириш ва етказиб беришнинг ойма-ой графикларини;

буюртмалар портфелини шакллантириш ва шартномалар тузиш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялашган хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш схемаларини тасдиқласин.

4. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат

қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қишлоқ хўжалиги техникасининг маҳаллий брендини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни назарда тутган ҳолда Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш концепциясини;

2018-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг янги ишлаб чиқаришларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан инвестиция лойиҳалари рўйхати билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бир тури бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини;

2018-2020 йилларда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тармоқ кооперацияси доирасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг компонентлари таннархини пасайтириш дастурини;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштиришни яхшилаш учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш бўйича таклифларни киритсин.

6. Тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида етказиб беришни келгусида молиялаштириш учун асосий қарз ва фоизларни тўлдириш бўйича 4 ойдан кам бўлмаган муддатга имтиёзли давр билан лизинг ташкилотларига кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) фаолиятини тақомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда:

қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалигига илмий ютуқларни жорий этиш муддатларини қисқартириш мақсадида Институт фаолиятини тубдан яхшилаш;

Институтнинг “Ўзагротехмаш” АЖ, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари, шу-

нингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан самарали илмий-техник кооперацияси ва ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш;

жаҳон бозорида янги, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техникаси турлари ва моделларини ишлаб чиқиш, яратиш, тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ягона режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда юқорида кўрсатилган ташкilotлар фаолиятига жорий қилиш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргалиқда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат ўрнатсан;

б) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкilotлар фаолиятини ўргансин, сабзавотчилик, узумчиликни жадал ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникаси паркини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсан, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсан:

қишлоқ хўжалиги техникаси паркини унификация қилиш ва жойларда уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, зарур эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ўзлаштиришни назарда тутган ҳолда агротехника тадбирларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган миқдорий эҳтиёж, фойдаланишга яроқсиз ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган техникани

инобатга олган ҳолда уларнинг амалда мавжудлиги;

мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси паркини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини та-комиллаштириш;

қисқа муддатли режа асосида республиканинг қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжини қоплаш усуслари ва йўлларини аниқлаш;

машина-трактор паркларининг молиявий операциялари устидан назорат тизимини яратиш ва улар томонидан қарздорликнинг ўсишига олиб келувчи тўловларсиз хизмат кўрсатиш амалиётини тугатиш;

хорижий бозорларда ўхшаш техниканинг сифати ва нархини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштириш имкониятларини ўрганиш.

9. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С.Отажонов, З.Т.Мирзаев, Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ФЕРМЕРЛАРГА ЗАРАР КЕЛТИРАДИГАН ЭКИНЛАР ЭКИЛМАЙДИ

ёхуд пахта майдонларининг
қисқартирилаётгани хусусида

**Бўлса-бўлмаса пахта
екавериш, уни арzon
нархда xом ашё сифатида
сотиш – иқтисодиётни
тушунмаслик.
Энди пахтани фақат
рентабеллиги бор
жойларда экамиз.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Давраларда жаҳон иқтисодиёти, олис-яқин давлатлардаги бугунги аҳвол ҳақида ўзаро баҳс-мунозара кетса, биз, албатта, халқимиз пахтакор эканлигидан ғурурланамиз. “Оқ олтин” етиширишу унинг экспорти бўйича олдинги сафлардалигимизни айтиб мақтанишга одатланганмиз.

Чиндан ҳам, халқимиз миришкор. Дехқончиликнинг ҳадисини олган. Буёғини сўрасангиз, энг катта майдонларда ғўза ўстирган ҳам, рекорд даражада ҳосил йиқкан ҳам ўзимиз. Бироқ ундан қандай наф кўрдик? Кўкламдан то кузаккача даладан бери келмаган дехқон, уни битталаб йиғиб-териб олган қишлоқ аҳли, бирламчи қайта ишлаган саноатчи қанча даромад олди?

Очиғи, ҳеч қанча. Пахтага сиёсий экин туси берилган вақтлар ортда қолиб, унга стратегик ҳом ашё деган нисбат бегоналашган истиқпол йилларида ушбу тармоқнинг фойда-зиёнини амалда ҳис қилдик. Муҳими, ислоҳотларнинг янги босқичида аграр соҳа фақатгина пахтачиликдан иборат эмаслигини чуқурроқ англаяпмиз.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароити ишга бўлган талабни, масалага муносабатни тамомила ўзгартирди-да. Тафаккур уйғонди. Бинобарин, бундай эврилишлардан аграр соҳа ҳам четда қолаётгани йўқ. У тубдан модернизация қилиниб, экин ерлари мақбуллаштирилаяпти. Натижада асл дехқончилик маданияти қайта тикланаяпти.

Буни пахта майдонлари йил сайин қисқартирилиб, уларнинг ўрнига озиқ-овқат ва озуқабоп экинлар жойлаштирилаётгани, янги боғ-роғлар барпо этилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Зоро, бугунги шиддатли ислоҳотлар кўяётган талаб шу: ташқи бозорда қайси маҳсулотга талаб юқори бўлса, ўшани эк. Даромад кўр. Рўзғонинг барака кўрсинг. Мехнатингдан давлат ҳам манфаат топсин.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТУШУНМАСЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТИ

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, охирги уч йилда пахта экиласидиган майдонлар қарийб 215 минг гектар қисқартирилгани аграр соҳани диверсификаци-

ялашда улкан қадам бўлди. Бутун бошли туманларда эса умуман чигит экилмаётгани, таъбир жоиз бўлса, тармоқда чинакам янгиланишлар даври кечеётганидан далолат.

Дарҳақиқат, айни пайтда Китоб, Асака, Ургут, Булунғур, Жомбой, Зангюта, Бўстонлик, Қиброй, Паркент сингари 30 дан зиёд туманлар пахта етиширишдан халос этилган. Табиати, иқлими мева-сабзавотчилик учун жуда мос бўлган мазкур ҳудудларда узум, мева-сабзавот, полиз ва картошка етиширилиб, ички бозор сервитамин неъматлар билан тўлдирилаяпти, катта қисми эса экспортга чиқарилмоқда.

Бир пайтлар шафқатсизларча кесиб ташланган неча юз минг гектарлик кўркам ва серхосил боф-роғлар, салқини оромбахш ёнғоқзорлару бодомзорлар қайта тикланаяпти. Шудгорлаб ташланган сабзавот-полиз пайкалларига ернинг жонини суғуриб оладиган эмас, балки дармон бўладиган, қувват бағишлайдиган экинлар экилаяпти. Оддий ҳаёт ҳақиқати шуки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дунё афкор оммасининг бирламчи ташвишига айланган айни шароитда Ўзбекистоннинг ширин-шакар мева-сабзавотлари пахта хом ашёсидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Бугунги кунда 30 дан зиёд туманлар мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, уларда пахта умуман етиширилмаяпти.

Бу йил пахтадан бўшаган майдонларнинг

5,1 минг гектарига интенсив боф,

2,3 минг гектарига токзор,

811 гектарига иссиқоналар барпо этилди

Қолган қисмига эса сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ҳамда озиқ-овқат экинлари жойлаштирилади.



Жорий йилда юртимизда асосий, оралиқ ва такорий майдонларда жами

17,8 МИЛЛИОН ТОННА
озиқ-овқат маҳсулотлари
етиширилади.

Шу ҳақда мулоҳаза қилганда, давлатимиз раҳбарининг куйинчаклик билан қайта-қайта мурожаат қилаётган масала – пахта майдонларини қисқартириш борасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англагандек бўласан, киши.

Президентимиз яқинда Сирдарё вилояти фаоллари йигилишида ушбу мавзуга яна тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Бўлса-бўлмаса пахта экавериш, уни арzon нарҳда хом ашё сифатида сотиш – иқтисодиётни тушунмаслик. Энди пахтани факат рентабеллиги бор жойларда экамиз”.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифидан сўнг биргина Сирдарё вилоятида пахта майдонлари 20 минг гектар қисқартирилганини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу жойга ҳудуд учун янги, айни пайтда ўта даромадли ҳисобланган зироат турлари жойлаштирилаяпти. Шу жумладан, 2 минг 494 гектарга рапс, кунгабоқар, кунжут, соя каби мойли экинлар, 3 минг 232 гектарга аччик қалампир, салат барги, барокко қарами сингари сабзавотлар, 5,3 минг гектарга аччик қалампир, салат барги, барокко қарами сингари сабзавотлар, 5,3 минг гектарга нўхат, мош, ловия каби дуккаклилар, 1,7 минг гектарга доривор ўсимликлар экилаётir. Бундан ташқари, салкам 1,5 минг гектарда анорзор, 118 гектар интенсив боф, 1,9 минг гектарда токзор барпо қилинмоқда. Қолган қисмида эса картошка, полиз, озуқа ва бошқа экинлар парваришланиши белгиланган. Бу эса аҳоли дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдириш баробарида, ҳудуд экспорт салоҳиятини оширишда айни муддаодир.

– Бугун давлат тизимида, ижтимоий, маънавий ҳаётизимда, иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар кетаяпти, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, “Азим

Шоғиркон юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов. – Шулар қаторида қишлоқ хўжалиги улкан ислоҳотларга юз тутмоқда. Унумдорлиги паст ерларга чигит экилмаяпти. Чунки бу на фермерга, на давлатга фойда келтиради. Турган-битгани зарап. Дала-даштили жойларга ёнғоқ эк, бодом, писта ўстир, томорқангда бўш жой қолмасин, ҳеч бўлмаса, қалампир эк, дейилаяпти. Бунинг учун зарур шароит ҳам яратилмоқда. Дехқончиликдаги ушбу ҳаётий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги равнақида туб бурилиш ясади, албатта.

ЗАРАРИГА ИШЛАШ – ВАҚТИНИ, НАҚДНИ БЕҲУДА СОВУРИШ ДЕМАК

Пахтанинг ўзи енгилу иши оғир. Дехқончасига айтганда, серташвиш экин. Суяги дала-да қотган пахтакор фермерларнинг фикрича, бу йилгидек об-ҳаво шароитида чигитни ернинг намига ундириш нечоғли машақатли кечеётган бўлса, баъзида ёғингарчилик мўллигидан уруғ чириб кетгани ҳам кўп кузатилган. Айрим пайтларда энди қўшқулоқ кўрсатган ниҳолларни дўл ва жала ер билан яксон қилгани, оқибатда қайта меҳнат, катта харажат билан такорий уруғ қадалгани ҳам бор гап.

Пахтачиликнинг машақатли меҳнатини халқимиз яхши билади. Аввалига у ягана, сўнг кетмонда чопиқ қилинади-да, бегона ўтлар юлинади, ер қатқалоқ бўлса, тағин юмшатилади, хуллас, ғўза қатор орасига техника киргунига қадар агротехника тадбирлари қўлда бажарилади.

Энди ўзингиз ўйланг, шунча тер тўйкан дехқон ғалвир сувдан кўтарилган пайтда кўкка тикилиб қолса, фойда тугул, қилинган харажати қопланмаса, қўли ишга борадими? Шундай экан, нима қилмоқ керак? Саволга жавобни Президентимиз шу йил 23 марта бўлиб ўтган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар

натижадорлигига бағишланған йиғилишда рүйирост айтди: “Фермерга фақат зарап олиб келадиган, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бұлған ерларға пахта экишдан мутлақо воз кечдик. Эндиликда бундай майдонларға юқори даромадлы экспортбоп экинлар әкілади”.

Давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ ҳұжалигини үз вақтида қишлоқ ҳұжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ғи қарори деңқон ва фермерлар мәхнатига енгиллаштиришга қаратылғани билан ақамиятлидір. Мазкур ҳұжжатда қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни мамлакаттимизда ишлаб чиқарылған сифатлы ва арzon техника билан таъминлаш, техника паркини янгилаш, шуннингдек, уларға үз вақтида сервис хизматини күрсатиш бүйіча аниқ вазифалар белгилаб берилді. Үнга күра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳұжалиги вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ зиммасига ҳудудлар кесимида, жумладан, лизинг асосида қишлоқ ҳұжалиги техникасини етказиб бериш, бунинг учун буортмалар портфелини бир йилда иккى марта шакллантириш вазифаси юқлатылды. Эндиликда ишлаб чиқарувчиларға қишлоқ ҳұжалиги техникаси учун олдиндан тұлов техника нархининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб бериш бошланишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, якуний ҳисоб-китоб эса етказиб берилған техника қабул қилингандан кейин 10 ишкуни давомида амалга оширилади.

Бугунги кунда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ тизимида қарорнинг изчил ижросини таъминлаш, хусусан, 2018-2020 йилларда қишлоқ ҳұжалиги машинасозлиги корхоналарининг янги ишлаб чиқарышларини яратыш ва мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, умуман, ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари ҳам бошлаб юборылды. Бу эса қишлоқ ҳұжалиги техникаси паркини янгилаш ва модернизация қилиш ҳисобидан қишлоқ ҳұжалигини техник жиҳатдан жиҳозлаш даражасини янада ошириш, пахтачилик ва бошқа тармоқларда агротехника тадбирларининг үз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

ИМПОРТ КАМАЙТИРИЛИБ, ЭКСПОРТ КҮПАЙТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириши молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ғи қарори тармоқдагы бундай ўзгаришларнинг ҳуқуқий кафолатидир. Үнда тупроқ унумдорлиги паст бўлған, охирги 3 йил мобайнида кам ҳосил олинган ерларда пахта етиштирилмаслиги аниқ-тиник белгилаб қўйилди.

Хўш, мазкур ҳұжжатнинг жойлардаги ижроси қандай?

— 2018 йилда республикамиз бўйича 1 миллион 71 минг гектарга чигит экилаяпти, — дейди Қишлоқ ҳұжалиги вазирлиги пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тўхтамурод Мейлиев. — Бу пахта майдонлари ўтган йилдагига нисбатан салкам 135 минг гектар қисқартирилди, деганидир. Жумладан, паст рентабелли, ер шароити ва сув таъминоти оғир бўлған қарийб 100 минг гектар майдон пахтадан бўшатилди. Ушбу майдонларнинг 5,1 минг гектарига интенсив боғ, 2,3 минг гектарига токзор, 811 гектарига иссиқхоналар барпо этилса, қолган қисмига сабзавот, полиз, дуккакли, мойли озуқа ҳамда озиқ-овқат экинлари жойлаштирилади.

Умуман олганда, жорий йилда юртимизда озиқ-овқат хавғизлигини таъминлаш, экспорт кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида асосий, оралиқ ва тақорорий майдонларда жами 17,8 миллион тонна маҳсулот

етишириш мўлжалланған. Бу соҳа олдига қўйилаётган талаб – озиқ-овқат маҳсулотлари импортини кескин камайтириш, экспортни кўпайтиришга хизмат қилади.

ҚАЙСИ БИРИ ФОЙДАЛИ?

2017 йил якунларига кўра, паст рентабелли ерларда етиштирилган пахтанинг 1 гектаридан ўртача 0,9 миллион сўм даромад олинган, холос. Ҳолбуки, ушбу жойга экиладиган сабзавотдан 5,2 миллион сўм, картошкадан 5,9 миллион сўм, полиздан 4,1 миллион сўм, мевадан 1,8 миллион сўм, узумдан 2 миллион сўм, мойли экинлардан эса 1,2 миллион сўмдан зиёд даромад олиш мумкин. Бу, үз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига йилдан-йилга ўсиб бораётган талабини тўлиқроқ қондириш, қайта ишлаш ва экспортчи корхоналарнинг қўшимча даромад манбаларини шакллантириш имконини беради.

Мана, илгари суриласаётган масаланинг асл моҳияти, ислоҳотлардан кўзланган пиравард мақсад!

Агар соҳада бошланган ислоҳотлар узвийлиги, изчиллиги таъминланиши ғоятда аҳамиятли. Шу маънода, пахта майдонлари 2019 йилда 37,5 минг, 2020 йилда йилда эса 33 минг гектарга қисқартирилади. Бўшаган ерларга давлатимиз раҳбарининг тавсияси бўйича сердаромад ва экспортбоп бўлған экинлар жойлаштирилади. Масалан, республикамиз шимолий ҳудудларида шоли ва полиз, юртимиз жануби ва Самарқандда картошка ҳамда карам, водий вилоятларида эса помидор, бодринг, лавлаги ва кўкатлар экиш фермер ҳўжаликларига иқтисодий жиҳатдан кўпроқ фойда келтиради.

Айтиш жоизки, соҳа мутахасислари ва олимлар, тажрибали экспортёрлар томонидан тавсия этилаётган серхосил ҳамда ташқи бозорда харидор-гир қишлоқ ҳұжалиги экинлари рўйхатида аччиқ қалампирга алоҳида ўрин берилган. Бу бе-

жиз эмас, албатта. Чунки паст рентабелли майдонларда 60-80 кунда етиладиган қалампир парваришиланса, кони фойда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 4,4 миллион гектар майдонда аччиқ қалампир экилиб, ялпи ҳосил салмоғи 68,3 миллион тоннадан ошади. Бошқача айтганда, ушбу экин ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 15-20 тоннани ташкил этади. Агар унинг 5 килограммидан 1 килограмм қуритилган аччиқ қалампир олиш мумкинлигини назарда тутсак, қалампир пайкалининг ҳар гектаридан 16 тонна ҳосил йиғиштирилган тақдирда 3,2 тонна қуритилган аччиқ қалампир тайёрлаш мумкинлиги

улар сафига қўшилишимизга умид ўйғотмоқда.

Бундай дейишимизнинг босиши шундаки, жорий йилнинг ўзида пахтадан бўшаган майдонларнинг салкам 2 минг 300 гектарига аччиқ қалампир жойлаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, хусусан, Фарғонада 770, Сурхондарёда 547, Тошкент вилоятида 431, Хоразмда 175 гектарда ушбу зироатнинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган хорижий навлари экилаётir. Эътиборлиси, дехқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек, томорқачиларга иссиқхоналарда парваришиланган тайёр қалампир ниҳоллари тарқатилаяпти.

тайёр хом ашёни чукур қайта ишлаган саноатчиларнинг илкига тушаяпти.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1 килограмм калава ип олиш учун 1,15 килограмм пахта толаси қайта ишланади. Шунча калава ипдан 5 метр газлама ёки 0,93 килограмм трикотаж мато тўқилади. Ўз навбатида, трикотаж матонинг ҳар бир килограммидан ўртacha 5-6 та тайёр кийим тикиш мумкин. Буни пулга чақадиган бўлсак, калава ипнинг баҳоси 20 – 22 минг сўм, трикотаж матоники 30 – 35 минг сўмни ташкил этади, холос. У тайёр маҳсулотга айлантирилган эса қиймати кескин ошиб, ўртacha 200 минг сўмга айланади!

Шунинг учун давлатимиз раҳбари яқинда Жиззах вилоятига амалга оширган сафари давомида соҳа мутасаддилари олдига қатъий талаб, аниқ вазифа қўйди: бундан бўёғига четга хом ашё сотилмайди, у қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айлантирилган ҳолда экспорт қилинади.

Ушбу мақсадга қачон эришамиз?

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасидан олинган маълумотларда келтирилишича, 2018 – 2021 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги корхоналарни бунёд этиш ҳисобига етиштирилган пахта толасини ўзимизда тўлиқ қайта ишлаш қувватлари (977,8 минг тонна) яратилади. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баробар, тайёр тикувчилик маҳсулотлари 2 баробар, пайпоқ маҳсулотлари 3 баробар ортиши мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги бугунги ўзгаришлар, яъни пахта майдонларининг қисқартирилиши замирида фермер унумдорлиги паст ерларга чигит қадаб, вақтини, нақдини беҳудага сувормасин, тупроқ-иқлим шароритига мос экин экиб, меҳнатига яраша фойда кўрсин, деган эзгу мақсад-муддао мужассамдир.

■ Сайд РАҲМОНОВ,
журналист.



Мамлакатимизда охирги 3 йил мобайнида қисқартирилган пахта майдонлари:

- **2016 йилда - 30,5 минг** гектар;
- **2017 йилда - 63 минг** гектар;
- **2018 иилда - 134,9 минг** гектар.

- Пахта майдонларини мақбуллаштириш ишлари келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан:**
- **2019 йилда - 37,5 минг** гектар;
- **2020 йилда - 33 минг** гектар қисқартирилади.

ойдинлашади. Ушбу маҳсулот жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлиб, унинг 1 тоннаси 8,6 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланади. Эътибордан буткул четда қолиб кетган сабзаточиликнинг мазкур йўналишидан бунча даромад топиш мумкинлиги, очиғи, пахтакор халқимизнинг ҳаёлига ҳам келмаганди.


Ҳозирги пайтда аччиқ қалампир савдосидан олинадиган даромаднинг асосий қисми Индонезия, Хитой ва Мексика миришкорлари қўлига тегаяпти. Юртимизда хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш бўйича бошланган амалий саъй-ҳаракатлар, ҳадемай,

ХОМ АШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СОТАМИЗ


Кейинги пайтда жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талбага қараб, унинг баҳоси ўзгариб турибди. Аммо синтетик, ҳатто бамбук толалари саноатда кенг кўлланилаётган ҳозирги тараққиётнинг инновацион босқичида ҳам пахта толасига эҳтиёж айтарли сусайгани йўқ. Аксинча, аҳоли сонининг кўпайиши, даромадиортиб, турмуши фаровонлашуви каби омиллар табиий маҳсулотга рағбатни кучайтираётir.

Бироқ масаланинг бошқа нозик жиҳати шундаки, даромаднинг асосий қисми йил бўйи кўли қавариб хирмон кўтарган дехқон ёки фермерга эмас,

АГРАР СЕКТОРНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ ЖАҲОН АМАЛИЁТИ



Инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнида аграр секторни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиб, қатор омилларга бевосита боғлиқдир. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш бугунги кунда бошқа иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бир қаторда, табиий шарт-шароитлар ҳамда табиат ҳодисаларнинг содир бўлишига қўпроқ боғлиқлиги кузатилмоқда.



Албатта, бу ҳолат бугунги кунда мазкур соҳани суғурталаш механизмини такомиллаштиришни ҳамда айнан суғурта инструменти орқали аграр соҳада юзага келиши мумкин бўлган турли кўриниш ва даражадаги таваккалчиликни нисбатан камайтириш, бу орқали эса, қишлоқ хўжалиги сектори субъектларини ҳимоялашга эришиш долзарб масалалардан биридир.

Аграр секторни суғурталашнинг хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, масалан, **АҚШ**да мазкур соҳага “буюк депрессия”дан кейин катта эътибор қаратилиб (1930 йиллардан бошлаб), асосан, табиат ҳодисалари натижасида кўрилган зарарни давлат бюджети ҳисобидан тўғридан-тўғри қоплаш тарзида амалга оширила бошланди. Шунингдек, бу соҳадаги хукуқий-меъёрий мезонлар 1980 йилда қабул қилинган “Аграр соҳани суғурталашнинг федерал қонуни”да белгилаб кўйилди. 1994 йилга келиб эса аграр соҳани суғурталаш соҳасида турли даражадаги ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, аграр соҳада юзага келадиган таваккалчиликни суғурталашга доир дастурлар “Хавф-хатарларни бошқариш агентлиги” ҳамда “Қишлоқ хўжалиги департаменти” томонидан ишлаб чиқилиши белгиланди. Хавф-хатарларни бошқариш агентлиги ўз тасарруфида учта бошқармaga эга бўлиб, улар: суғурта хизматлари бошқармаси, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳамда назорат бошқармаларига бўлинади. Шунингдек, агентлик суғурта компаниялари билан ўзаро

ҳамкорлик құлувчи ҳосилдорликни суғурталовчи федерал корпорацияни бошқарыш функциясини ҳам амалга оширади. Мазкур корпорация эса, хусусий суғурта компаниялари билан қайта суғурталаш-га доир битимларни имзолаш ҳамда суғурта компаниялари үртасида консолидациялашган молиявий құллаб-қувватлашга доир шартномаларни тузиши ҳамда упар устидан доимий назоратни амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни суғурталаш шартномалари бүйича субсидиялар ва қайта суғурта қилиш шартлари ҳамда муддатларини белгилаш билан бир қаторда, суғурта компаниялари фаолиятини малака талабларига жавоб бериш ҳолатини ҳам назорат қиласы. Департамент суғурта компанияларининг операцион харажатларини қоплаш мақсадида субсидиялар миқдорини белгилаш ва ажратиш имкониятига ҳам әгадир. АҚШнинг федерал бюджетидан аграр секторда ишлаб чиқарувчиларга суғурта мукофотларини молиялаштириш, янги суғуртавий хизматларни жорий этиш учун суғурта компанияларининг маъмурий харажатларини қоплаш ҳамда ўта оғир заарларни қоплаш мақсадида маблағлар ажратилиши назарда тутилган.

Айни чөнда департамент суғурта хизматлари бүйича тариф ставкаларини ишлаб чиқиш, субсидияларни тұланиш жараёнини назорат қилиш, янги суғурта хизматларини яратиш, қайта суғурта қилиш жараёнида суғурта компанияларига молиявий ва информацион тарздығы рағбатлантиришни амалга ошириш ҳамда уларни турли күришишдеги ахборот базаси билан таъминлаш каби вазифаларни ҳам амалга ошириши белгиланган. Бугунғы кунға келиб, АҚШ суғурта бозорида айнан аграр соҳада юзага келаётган таваккалчиликларни суғурталаш юзасидан 100 дан ортиқ суғурта хизматлари таклиф этилмоқда. Мисол учун, мультихатарларни суғурталаш жараёни икки варианта амалга ошириш таклиф этилиб, биринчисида, эришиши режалаштирилаётган ҳосилни суғурта қилиш, иккінчи вариантда эса, ишлаб чиқариш жараёнида режалаштирилаётган даромадни суғурта қилиш таклиф этилади. Шунингдек, ҳосилдорлик индекси ва об-ҳаво индексларини тадқиқ этиш бүйича қатор лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда.

Италияning аграсуғурта бозори Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида иккінчи ўринни әгаллайды. Сүнгги йилда мазкур бозорда 288 миллион евродан ортиқ суғурта мукофотлари шакллантирилди. Таъкидлаш жоизки, Италияда қишлоқ хұжалиги соҳасида бугунғы кунда 2 миллион киши банд. “Бирлашган миллий суғурта пули” тарзида ташкил топған компания аграр соҳадаги таваккалчиликларни суғурталаш бүйича хизматлар күрсатадиган 60 дан ортиқ хусусий суғурта компанияларини бирлаштириб, аграр секторни суғурталаш бүйича янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, мавжуд суғурта қонунчилигига оид

үзгартариш ва құшимчаларни ҳаётға татбиқ этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Италия суғурта компаниялари алоҳида маҳсулот сифатида дўлдан суғурта қилишни ёки алоҳида (сарапланган) хатарларни суғурталаш, ҳосилни совук уриши ва бўрондан нобуд бўлиши каби таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизматларни ҳам таклиф этимокда. Кичикроқ таваккалчиликларни суғурталаш тўғрисидаги биринчи битимлар Қайта суғурта қилиш фонди кўмагида амалга оширилиб, тўплланган мукофотлар суммасининг 56 фоизини субсидиялар ташкил этади. Италия агросуғурта бозорининг 75 фоизи тўртта суғурта гурухлари томонидан назорат қилинади.

Японияда иқлим шароитларларини инобатга олган ҳолда агросуғурта бозорида асосан қўйидаги агротаваккалчиликларни суғурталаш таклиф этилган: бошоқли экинларни (гуруч, дон ва арпа); ҳайвонларни; мева ва боғ экинларини. Жумладан, бошоқли дон экинларини суғурта қилишнинг 4 тури мавжуд: алоҳида чек ери ҳосилини суғурта қилиш (агар алоҳида чек ерида маълум йиллар давомида (5 йилдан кам эмас) ўртача ҳосилнинг 70 фоизигача йигилмаса, суғурта тўлови амалга оширилиши белгиланган); ҳосилни қисман суғурта қилиш (агар алоҳида чек ерида маълум йиллар давомида (5 йилдан кам эмас) ўртача ҳосилнинг 80 фоизигача йигилмаса, суғурта тўлови амалга оширилади); ҳосилни тўлиқ суғурта қилиш (маълум йиллар давомида (5 йилдан кам эмас) ўртача ҳосилнинг 90 фоизигача йигилмаса, суғурта тўлови амалга оширилади); даромадларни суғурта қилиш (ҳосилдан кўрилган фойда аввал қайд этилган сумманинг 90 фоизига етмаган шароитда).

Бундан ташқари, суғурта тарифлари таваккалчилик даражасига мувофиқ, паст бўлса – 2,5 фоизни, тоғли ҳудудларда эса 10-15 фоиз даражасида белгиланган. Ҳайвонларни суғурта қилиш мажбурий бўлиб, ҳайвонлар ва тижорат ренталари мақсадига қараб, суғурта шартлари, суғурта суммалари ва ставкалари ўзгариб боради. Шунингдек, ҳар йили ҳайвонларни суғурта қилиш бўйича махаллий бюджет маблағларидан қоплаш даражаси суғурта қопламалари умумий суммасининг 35-40 фоизни, боғ ҳосилини ва боғ экинларини суғурта қилиш 50 фоизни, парниклар ва парник экинларни суғурта қилиш 15-25 фоизни ташкил этади.

Мухтасар айтганда, ривожланган мамлакатларда аграр соҳада юзага келадиган таваккалчилик-



ларни суғурталаш тажрибалари қўйидаги хулосаларни намоён этади:

- **Биринчидан**, аграсуғурталаш бозорида таклиф этилаётган суғурта хизматлари мамлакатлар географияси, иқлими, ривожланиш даражаси ҳамда табиий шарт шароитларидан келиб чиқиб таклиф этилиши кузатилди.

- **Иккинчидан**, ҳар бир мамлакатда аграсуғурта тизимини самарали ташкил этиш мақсадида давлат томонидан бошқа суғурта ҳодисаларига

нисбатан таваккалчилик жараёнлигини инобатга олиб, махсус комплекс дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади аграсуғурталаш хизматларини кўрсатувчи суғурта компанияларини кўллаб-куватлаш ҳисобланади.

- **Учинчидан**, мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг ЯИМдаги улушини оширишда аграр секторни суғурталаш механизмини такомиллаштиришда давлат субсидиялари ҳажми мухим аҳамият касб этади.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА АГРАР СЕКТОРНИ СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИ ТАВСИФИ

КЎРСАТКИЧЛАР	РОССИЯ	ГЕРМАНИЯ	ФРАНЦИЯ	ИСПАНИЯ
Тартибга солинувчи асосий қонунчилик базаси	“Агросаноат ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш тартиби тўғрисида”ги Федерал қонуни	Давлат томонидан ёрдам кўрсатиш дастури	“Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тўғрисида”ги Қонун	“Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тўғрисида”ги қонун
Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар	Суғурта мукофоти учун мавжуд	Суғурта мукофоти учун мавжуд	Суғурта мукофоти учун мавжуд	Суғурта мукофоти учун мавжуд
Тақсимотни амалга ошириш жараёни тавсифи	Қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги агросаноат ишлаб чиқариш соҳасини суғурталашни давлат томонидан кўллаб-куватлаш федерал агентлиги	Хусусий суғурта компаниялари	Қишлоқ хўжалиги рискларидан ҳимоя қилиш миллӣ кафиллик жамғармаси	Хукумат режаси орқали Испания Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Амалга ошириладиган суғурта мукофоти ҳажмида субсидиялар ҳажми	50 фоиз	0 фоиз	50 фоиз	25-50 фоиз
Суғуртани қоплаш даражаси	суғурта қийматининг 70 фоизи	зарар миқдорининг 80-90 фоизи	зарар миқдорининг 70-75 фоизи	зарар миқдорининг 80 фоизи
Хисобланган ҳосилдорлик даври	5 йил	5 йил	5 йил	5 йил
Қопланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тури	Кузги донлар, лаълми донли ва дуккакли уруғликлар, ёғ ўсимликлари, шакар ловлаги, гуруч, соя	Уруғликлар, дуккакли ўсимликлар, картошка	Уруғликлар, узум зорлар, сабзавот ва мевалар, техника-асбоб ускуналар, ҳайвонлар	Мевалар (50 фоизи давлат ҳимоясида), узумлар (50 фоиз), кунгабоқар (40 фоиз).

■ ОАВ ва Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ТУПРОҚ КЛИНИКАЛАРИ

**Тошкент вилояти
хокимиятида
Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш
вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси ва
Ўзбекистон Республикаси
ФА Умумий
ва ноорганик кимё
институти ходимлари
иштирокида “Тошкент
вилояти тупроқлари
унумдорлиги ва қишлоқ
хўжалиги экинлари
ҳосилдорлигини ошириш
муаммолари” мавзусида
республика илмий-амалий
анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуманда сўзга чиққан Узбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Тадқиқотлар ва худудларни ривожлантиришга инновацияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи М. Толибов тупроқ унумдорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалиги мутахассислари, жумладан, олимлардан янгича ёндошув ва замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, улардан унумли фойдаланишни талаб этишини таъкидлади.

Экин майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш даражасини мунтазам равища ўрганиб борувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига амалий ёрдам кўрсатувчи Тупроқ клиникаларини республиканинг ҳар бир туманида ташкил қилиш масаласига ўттага ташланди.

Бўлғуси Тупроқ клиникаси лойиҳасининг асосий қисми Диагностика маркази ҳисобланиб, тупроқ, сув ҳамда ўсимликларнинг пухта ва комплексли таҳлилларини олиб боради. Мазкур таҳлиллар агрокимёвий, микробиологик ва биокимёвий кўрсаткичларига кўра ўтказилади. Диагностика марказида тупроқларга ишлов бериш ва профилактикаси, ўғитлардан фойдаланиш меъёрлари бўйича тавсиялар, экинларни экиш ҳамда уруғларга ишлов бериш бўйича тавсиялар тақдим этилади.

Тупроқ клиникасининг асосий вазифаларидан бири тупроққа зарар келтирмайдиган ҳамда ҳосилдорликни камайтиrmайдиган ҳолда тупроқнинг тикланишига ёрдам берадиган технологияларни қўллаш ва жорий этиш ҳисобланади.

Ерларнинг кучини тиклаш учун унга ёрдам бериш лозим, бунинг учун керакли макро ва микро элементларни киритиш зарур. Бунда органик ўғитлар ҳаракатга киради. Қайслари ва қандай миқдордалигини тупроқнинг тегишли таҳлили белгилайди.

Ўз навбатида Инновацион тупроқ клиникаси ҳудудида органик чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича бутун бир тизим ташкил қилинади.

■ Нодир ҚОБИЛЖНОВ.



Сўранг, жавоб берамиз

Хурматли таҳририят! “Агротехника дунёси” илмий-амалий журналининг доимий муҳлисисман. Журнал орқали юридик ва жисмоний шахсларга тегишили тракторлар, тиркамалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларига бериладиган давлат рақами белгилари хусусида батагасил билмоқчи эдим.

**Абубакр Сиддиқов,
Фарғона вилояти, Данғара тумани.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 345 сонли қарорининг 9 иловасида бу ҳақда қуйидагича қайд этилган.

Тракторлар, йўл-курилиш ва мелиоратив техника, ўзиорар машиналар, трактор тиркамаларининг давлат рақами белгилари намуналари

I тип – юридик шахсларнинг тракторлари, йўл-курилиш ва мелиоратив техникаси, ўзиорар машиналарига бериладиган давлат рақами белгилари кабинанинг орқа қисмiga маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап қисмida рўйхатга олиш сонлари билан баравар қилиб тракторнинг шартли расми, қуйидан чап томонда фарқловчи ҳарфлар гурухлари ва ўнг томонда худуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроби ва UZ ҳарфлари тасвиrlанган.



II тип – жисмоний шахсларнинг тракторлари, йўл-курилиш ва мелиоратив техникаси, ўзиорар машиналарига бериладиган давлат рақами белгилари кабинанинг орқа қисмiga маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап қисмida рўйхатга олиш сонлари билан баравар қилиб тракторнинг шартли расми, қуйидан чап томонда фарқловчи ҳарфлар гурухлари ва ўнг томонда худуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроби ва UZ ҳарфлари тасвиrlанган.



III тип – юридик шахсларнинг трактор тиркамаларига бериладиган давлат рақами белгилари тиркаманинг орқа қисмiga маҳкамланади.



Давлат рақами белгисининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Қуйидан чап томонда фарқловчи ҳарфлар гурухлари ва ўнг томонда худуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроби ва UZ ҳарфлари тасвиrlанган.



IV тип – жисмоний шахсларнинг трактор тиркамаларига бериладиган давлат рақами белгилари тиркаманинг орқа қисмiga маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Қуйидан чап томонда фарқловчи ҳарфлар гурухлари ва ўнг томонда худуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроби ва UZ ҳарфлари тасвиrlанган.



**Тракторлар, йўл-курилиш ва мелиоратив техника, ўзиорар машиналар, трактор тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларида кўлланадиган рақамлар ва лотин алифбоси ҳарфларининг намуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнаги «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 131-сонги қарорининг 1- ва 3-иловаларга мувофиқ белгиланади.*

2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРИК, ИННОВАЦИОН ГОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ



Республика Ёш олимлар

кенгаши Тошкентдаги Турин политехника

университети билан ҳамкорликда мамлакатдаги
ёш ихтирочиларни құллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ғоя ва лойиҳаларини
амалга оширишига күмаклашиш ҳамда халқаро күргазмалардаги
иштирокини таъминлаш мақсадида “InnoWeek-2018” Республика ёш
ихтирочиларининг инновацион ҳафталигини ўтказди.

САЛОЖЫАТ ВА ИКТІДОР ПАНДА ҚОПТАЙСЫ

“InnoWeek-2018” Республика ёш ихтирочиларининг инновацион ҳафталиги барча Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари тала-балари ҳамда ўқувчилари ўртасида “Мехатроника ва Робототехника”, “Ахборот технологиялари (АТ)” ҳамда “Архитектура ва дизайн” йұналишларида ташкил этилди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, ҳафталикиң үтказышдан асосий мақсад қуидагилардан иборат бўлди:

- Мехатроника ва робототехника, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн йұналишларига қизиқувчи, шунингдек, ушбу йұналишларда таҳсил олаётган ёшларни бирлаштириш ва соҳалар интеграциясини шакллантириш;
- Ҳафталик доирасида маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан үтказиладиган семинар-тренинг ва мастер-классларда тегишли фан

соҳалари бўйича кўникмаларни ошириш, янги инновациялар билан танишиш;

- Республикамиздаги ёш олим ҳамда ихтирочиларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва моделларини ишлаб чиқаришга йўналтириш;
- Ёшларга техник ва технологик инновацияларни яратишда, ностандарт муқобил ечим топиш йўлларини ўргатиш.

Тадбирда иштирок этиш учун 844 нафар муаллифлардан мурожаат келиб тушди. Мутахассислар тақдим қилинган ишлардан 120 тасини ҳафталиқда иштирок этиш учун саралаб олдилар. Ҳафталик доирасида инновацион ярмарка, маҳорат дарслари, семинар-тренинглар ҳамда хорижий мутахассисларни жалб этган холда амалий учрашувлар ташкил этилди.

Яна бир тадбир Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари универси-

InnoWeek



тетида ташкиллаштирилди. “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар” деб номланган ярмаркада талаба ва магистрлар, ёш олимлар 100 дан ортиқ дастурий ва технологик ишланмаларини тақдим этишди. Эътиборлиси, булар шунчаки лойиҳа эмас, балки тайёр, қўллаш бошлаб юборилган ишланмалар.

ТАТУ талабаси Фуломжон Назаровнинг билдиришича, ярмаркада фойдаланишга тайёр, барча техник жиҳатлари ишлаб чиқилган “Ақлли иссиқхона” лойиҳаси ҳам иштирокчилар эътибор марказида бўлди.

– “Ақлли иссиқхона”да ҳаво ҳарорати, ер ва ҳаво намлиги, сув даражаси мунтазам ўлчаб борилади, – деб таъкидлади “Ақлли иссиқхона” муаллифи, IV босқич талабаси Зоирхўжа Ўлмасхўжаев биз билан сұхбатда. – Унинг андроид телефонлар учун иловаси ҳам бор. Ило-

вада юқорида саналган барча кўрсаткичлар акс этиб туради. Энг муҳими, у реал вақт давомийлигига бу жараёнларни масофадан бошқариш имконини беради. Лойиҳани такомиллаштириб камера ва турникетлар ўрнатишни режалаштирганмиз.

“Атроф-муҳит экологик мониторинги” ишланмаси сув-ҳаво, тупроқ шароитларини реал вақт режимида ўлчаб боришда кўл келади. Ҳар бир вазифа учун турли кўрсаткичлар (датчиклар) ўрнатилган. Улар ҳаво ҳароратини, тупроқнинг намлигини, шунингдек, ер ости сувининг кўтарилиши ва пасайиншини, ернинг шўрланиш даражасини аниқлайди. Ушбу кўрсаткичларни онлайнда маҳсус ускуна ва дастур маълумотлар базасига етказиб туради.

– Бу дастур ва ускуналар қишлоқ хўжалигимиз учун фойда келтиришига, бир қанча муаммоларни ечишига ишонаман, – дейди лойиҳа муаллифларидан бири Темур Кўчкоров.



– Бу йил талабаларимиз ҳар йилгига нисбатан кенг кўламлироқ ва аниқ бир муаммони ечишига қаратилган дастурий ишланмаларини яратишиди, – дейди ТАТУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Ботир Усмонов. – Масалан, “Веб-ресурсларни DDoS-ҳужумлардан ҳимоя қилувчи дастур”, “My School” дастури, “Интернет ТВ”, “Ақлли катақча”, “Smart Credit”, “goTrip.uz” каби амалда ишлаб турган бир қанча дастурларни санаб ўтишим мумкин. Ярмаркада тақдим этилган дастурлар ва ишланмалар ҳам деярли фойдаланишга тайёр. Бу дастурларнинг каталогини ишлаб чиқдик, каталогни корхона-ташкилотларга тақдим этамиз. Ўзларига маъқул дастурни танлаб олиб биз билан ҳамкорлик қилишлари мумкин.



Худди шу йўналишдаги тадбир Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим, Маданият вазирликлари, Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги – 2018” кўпчилиқда қизиқиш уйғотди.

Ушбу маскан юртимиз иқтисодиёти учун техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчى ийрик олий ўқув даргоҳларидан бири бўлиши билан бирга фан ва ишлаб чиқарини интеграциялашда ҳам етакчи илмий-тадқиқот муассасаси саналади. Университетда 50 дан ортиқ фан тўгараги ва “Ёшларнинг инновацион техник мактаби” фаолият юритмоқда. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан юксак маърифий салоҳиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг Ўзбекистон Рес-



публикаси Президентининг давлат стипендияси, турли интеллектуал танловларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёш тадқиқочиларнинг интеллектуал салоҳиятини муносиб баҳолаш ва ўрганиш, уларнинг рационализаторлик таклифлари, илмий изланишлари натижаларини таҳлил этиш, техник лойиҳалар ва ишланмаларни ишлаб чиқариш жараёнига фаол татбиқ этиш, йигит-қизларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилган “Иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги – 2018” доирасида илмий анжуманлар, талабаларнинг илмий-ижодий ютуқлари кўргазмаси, “Энг яхши инновацион ғоя”, “Энг яхши илмий маъруза” сингари танловлар ўтказилди. Долзарб ва илмий

жиҳатдан салмоқли ишларнинг муаллифлари XI Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этиш учун тавсия этилади.

– Листли металларни совук ҳолда прокатли ишлаб чиқариш йўналишида изланиш олиб бормоқдаман, – дейди мазкур университетнинг меҳаника факультети 1-босқич магистранти Равшан Тошматов. – Ҳозиргача бу турдаги маҳсулот юртимизга Россия, Корея, Германия каби давлатлардан келтирилар эди. Эндиликда уни ўз юртимизда ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Машиналар кузовини ясашда қўлланилувчи ушбу ишланма автомобилсозлик, саноат, ишлаб чиқариш каби соҳаларга кенг қўлланилади. Ушбу ҳафталиқ давомида илмий ишланмаларни амалиётта жорий этиш, илм-фан, инновацион технологияларга оид кўплаб қимматли маълумотларга эга бўлдик.

■ Шаҳзода АБЖАББОРОВА.



МҮЙЖИЗА ШУНЧАКИ СОДИР

БҮЛМАЙДИ

ёки охирги юз йилликнинг
аграр соҳада инновацион
ТОП 10 талиги



Америка Қўшма Штатлари барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам дунёда биринчилардан саналади. Ҳўш, бу муваффақиятларнинг сиру-синоати нимада? Мехнатми, заҳматми, ёғойидан ато этилган баҳтми? Бизнингча бу, инсон тафаккурининг маҳсулни.

Олимлар, педагоглар ҳамда АҚШ Федерал хукумати томонидан охирги 100 йилда жуда улкан кашфиётлар очилди. Шундай оламшумул инновацион маҳсулотлар кашф этилди, бу пировардидага фермерларга янада мўл ҳосил олиш имкониятини яратиш билан бирга, экологик вазиятнинг ўнгланиши, энг муҳими, аграр соҳада аввалги даврларга қараганда катта тажриба ортиришга эришилди. Шимолий каролиналик Гэри Мурнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари ҳали-ҳануз аҳамиятини йўқотганий йўқ. АҚШ қишлоқ хўжалиги реал картинасини яққол ифодалай олган олимнинг тадқиқотлари илм-фан соҳасида янги қирралар очилишига хизмат қилмоқда.

Олимнинг асли касби тарихчи ва шу штатдаги давлат универ-

ситетининг қишлоқ хўжалиги ва битиувчилар ички таълими бўйича директори бўлган. У Филадельфияда бўлиб ўтган “Қишлоқ хўжалигида жамоатчилик ҳаракати” анжуманида ўтган асрнинг энг яхши инновациялар 10 талигини омма эътиборига тақдим этди.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

1900 йиллар бошида қишлоқ хўжалигининг аҳволи деярлик, ўтган аср ҳолатида эди. АҚШ аҳолисининг салкам 40 фоизини ташкил қилувчи фермерлар от-улов қўшилган плугларда ер хайдар, кечалари лампачироқ нурида сигир соғишарди. Анъанага кўра, кўплаб фермерлар экин-тикинни Ойнинг тўлишига қараб бошлишар эди. Бунда маҳсус ковланган ўрага Ойнурни тўлиқ тушса бас, мавсум бошланиб кетарди. Улар шу зайл ўзларида бўлғуси мўл ҳосилга ишонч туғдиришар эди.

1862 йилда президент Линкольн тарихий машҳурлик касб этган Марилла қонунини имзолади. Ушбу “Давлатга тегишли ерларни қишлоқ хўжалиги коллежларини ташкил этиш учун тўловларсиз бериш тўғрисида”-ги қонун АҚШ университетларида лэнд-грант тизими базасини такомиллаштиришда катта роль ўйнади. (Изоҳ: Бу ўринда

“Лэнд-грант” АҚШ университетларига тажриба ўтказиш ёки илмий изланишлар олиб бориш учун давлат томонидан ажратиладиган ер майдонлари тушунилади).

Орадан 25 йил ўтиб, “Хетча” қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужоқат қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришни назарда тутиб, ҳар бир штатда аграр илмий марказни ташкил этиш шарт эди. 1917 йилда эса тарихда “Смит-Хьюгес” деб ном олган қонунда белгиланганидек, илмий тадқиқотлар ва уларнинг самарали натижаларини қишлоқ хўжалигида амалиётта татбиқ этиш таълим тизими жорий қилинди. Мухтасар айтганда, ўтган асрнинг 30-йилларига келиб, қишлоқ хўжалигига илмий-ахборот хизмати кўрсатишнинг асосий мезонлари яратилди.

ДАСТЛАБКИ ИННОВАЦИЯЛАР ҲАҚИДА

Мурнинг фикрича, кейинги 100 йилликнинг дастлабки 10 та инновациясини бошлаб берган биринчи омил бу - кооперациянинг анъаналашувидир. Ва, бунда лэнд-грант тизимининг аҳамияти бекиёс, албатта. Кейинги жараёнларда АҚШ маҳаллий жамоатчилигининг таълим

муассасалари билан изчил интеграцияси туфайли Кооперация хизмати оммалашувига олиб келди. Эътиборлиси, ушбу тизим “Смит-Левер” деб номланган қонун қабул қилинишига пойдевор яратди. Қонунда илмий тадқиқотлар натижаларини доимий тарзда амалиётга жорий этиш, шу жумладан, университетларнинг лэнд-грант тизимини ҳам. Лэнд-грант тизими, АҚШ ҳаётида муҳим аҳамиятга эга иккинчи инновацион жараён – гибридли (дурагайлашган) ғаллачиликка асос солди.

1930 йилдан кейин Коннектекуттадаги тажриба станциясида гибрид маккажўхори нави яратилиб, ҳосилдорлик ҳар акр ҳисобига 1,2 бушелдан ортди. (Акр – Англия ва Шимолий Америкада 0,4047 гектарга тенг ер ўлчови). (Бушель – Англияда 36,3, Америкада 35,2 литрга тенг сочилиувчи нарсалар ўлчами, масалан, буғдој). Шу билан бирга, тракторлар ички ёнув двигателларининг янги ёнилғи билан ишлай бошлиши фермерга ҳам ерни ҳайдаб, ҳам ундан кўпроқ ҳосил олиш имкониятини юзага келтириди. Бу пайтга келиб, буғ двигателларида ишловчи тракторлар мвжуд эди, бироқ улардан фойдаланиш учун бутун бир бошли команда керак бўларди. Бу хусусда Мур шундай дейди: “Буғ тракторлари қонингни ичувчи, бесўнақай машина эди”.

1925 йилга келиб, ички ёнув двигателларида ишловчи тракторлар яратилди. Бу тракторларнинг металл дискларда ҳаракатланиши қишлоқ йўллари

учун айни мудда бўлса, унинг резинали шиналари иш кўламини оширади. Тракторларнинг эффиқти ошиб борсада, бироқ эскича ишлаш услуби анча муддатга чўзилди. Мурнинг фикрича, Шимолий Каролинада ўша даврдаги тракторлар сони “ҳаҷир”лар сонидан ошмас эди.

“Farmall” компаниясининг муқаммалашган ички ёнув двигателларида ишловчи тракторларнинг бозорга кириб келиши “Буюк тебраниш”ни келтириб чиқариши билан бирга, Шимолий Каролина ғазнасига қирон келтириди. Фермерларнинг янги техника сотиб олиши учун банкларнинг кредит ажратиши кескин муаммога айланди. 1933 йида АҚШ Конгресси ва Президент Франклин Д.Рузвельт томонидан янги тартиб жорий этилди. Мур таъбири билан айтганда, “Фермерлар кредити ишлари бўйича администрация”нинг ташкил этилиши учинчи инновацияга асос яратди.

Мур ўз қарашларини давом эттириб, “Фермерларга оддий пул бериш билан мақсадга эришиб бўлмасди. Бизда шунчалик эрозияга чалинган далалар кўпки, бу ҳолатни бартараф этиш учун ҳали кўпдан-кўп ишларни қилиш лозим”, дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўша пайтлари Кўшма Штатларнинг ғарбий қисмида тупроқнинг устки қатламлари шамоллар шиддатига дош беролмасди. 1935 йилнинг апрелида рўй берган даҳшатли “Қора якшанба” тўфонидан сўнг икки ҳафта ўтиб Конгресс “Тупроқ ҳимояси хизматини тузиш тўғрисида”ги қонунни қабул

қилди. Айни пайтда бу муассаса АҚШ қишлоқ хўжалиги табиий ресурсларини ҳимоялаш вазирлиги деб юритилади.

Қишлоқларни электрлаштириш 1935 йилда бошланди. У пайтда қишлоқ аҳолисининг 10 фоизигина электр энергиясидан баҳраманд эди, холос. Электр таъминотининг камлиги фермерларнинг автомат сут соғиши аппаратлари ва бошқа технологияларни харид қилиш имкониятини чеклаб қўярди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бир қатор қарама-қаршиликларни ҳам келтириб чиқарди. Жумладан, фермерлар электр жиҳозлардан фойдаланганда сигирларининг сути куриб қолиши, тоvuқлари тухум туғмаслигидан хавотирда эди. Ҳудди шундай бир пайтда бир қатор нашрлар, хусусан, “Electrik Farmer” инновацион технологияларни жорий этиш ҳаракатига тушди.


Бу даврга келиб, чорвачиликда ҳам муайян ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Аслида ҳайвонларни сунъий қочириш устида асрлар давомида илмий тадқиқотлар, тажрибалар олиб борилган бўлсада, бу мақсадга Нью-Жерсилик тадқиқотчилар биринчилардан бўлиб эришди. 1930 келда мазкур технология яратилди. Эндилиқда сут берувчи ҳайвонларнинг 95 фоизи, чўчқаларнинг 80 фоизи сунъий урчитилиб, пировардида самарадорликка эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу янгилик ҳам бирданига оммалашиб кетмади. Хусусан, Американинг ғарбий қисмида яшовчи фермерлар сунъий урчитиш амалиётини қабул қилмади. Улар ўз ихтиёридаги подаларни бепаён қир-адирларда боқар, ҳатто чорвасини бир неча кунлаб кўрмас эди, ҳам. Жўжалар хусусида олимнинг ўзи шундай дея хотима ясайди: “Бу, умуман, шунча пул сарфлаганга арзимайди”.

Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш ўз навбатида, бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Кимё компаниялари



олдида ҳайвонларни зарарлы химикатлардан ҳимоялаш муваммоси туғилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бир қатор давлатлар, жумладан, Германия ва АҚШ кимё қуролларидан фойдаланиш бўйича тақиқ жорий қилиш ҳаракатига тушишди. Чунки, кимё қуроллари атроф-муҳитни беҳисоб заҳарлар эди. Мурнинг фикрича: “Тамом, биз бу жараёнда нимани аниқладик: кимё воситалари ёввойи ўтларни ўлдириб бўлди”.



Ана шундай пестицидлардан бири ДДТ “агент Оранж 2,4,5-Т ингредиенти” мақсадга мувофиқ эмаслиги учун тақиқланган. Бошқа кимёвий воситалар 2,4-Д ва сувсиз аммиакдан эса фермерлар ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Инновациялар ҳақида гап кетганда, биотехнологиянинг аҳамиятига алоҳида тўхталиш зарур. Зеро, унинг зиммасига экинларнинг гинетик модификациядан тортиб, то, қумурсқалар устидан бионазарат ҳам киради. Тадқиқотчилар ўз изланишлари-



да ҳайвонларнинг ярасига тухум қўйувчи эркак паразит-қурларни стерилизация қилишди. Унинг жуфти билан қўшилиши эса насл бермади. 1966 йилда АҚШда “гўшт пашшаси” личинкаларига ҳам хотима ясалди. Флоридадаги қўнғизларнинг шу усул ёрдамида йўқ қилинишида ҳам биотехнологиянинг аҳамияти бекиёсdir.

Мурнинг қайд этишича, ўтган асрда қишлоқ хўжалигига

ГЭРИ МУРНИНГ ОХИРГИ ЮЗ ЙИЛЛИКНИНГ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги

ТОП 10 ТАЛИГИ

- 10** КООПЕРАЦИЯГА ЎТИШ
- 9** ДУРАГАЙЛАШ (ГИБРИДИЗАЦИЯ)
- 8** ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИГА ЎТИЛИШИ
- 7** КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИ
- 6** ТУПРОҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ
- 5** ҲАЙВОНЛАРНИ СУНЬИЙ УРЧИТИШ
- 4** ҚИШЛОҚЛАРНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ
- 3** АГРОКИМЁ
- 2** БИОТЕХНОЛОГИЯ
- 1** КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

инқилоб содир этган омил – бу компьютердир. Компьютер ёрдамида GPS технологияси яратилиб, у орқали тизимни мукаммал кузатиш имконияти туғилди. Ҳаттоқи, чорва подасининг қаердалиги-ю, қандай озиқланаётганини бир жойда туриб, кузатиб бориш фермерга мўмай даромад келтирди. Қишлоқ хўжалиги соҳасига янгидан-янги технологиялар, жумладан, дронлар, митти камералар ҳамда роботларнинг кириб келиши катта муваффақиятлар эшигини очади.

Қайд этиш жоизки, Мур ўз тадқиқотларида фермерларга мўмай даромад келтирувчи яна бир омилга тўхталиб ўтади. Бу – қишлоқ хўжалигига агротуризмини ташкил этишдир.



Тадқиқотчининг фикрига кўра, АҚШ қишлоқ хўжалигига кутилиши мумкин бўлган муаммолар эса қуйидагича: мамлакатнинг ғарбий қисмида сувдан фойдаланиш баҳс-мунозаранинг асосий предмети бўлса, унинг шарқий қисмида сувнинг сифати “бош оғриғи” бўлиши мумкин.

У яқин келажакда қишлоқ хўжалигига профессионал аёл фермерларнинг кўпайишидан ҳайратда. Чунки, улар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳаларга кўплаб буюртмалар тушаётгани бунга далилдир. Гэри Мур ўз маъruzасини “Аёллар дунёни бошқаришга тайёрланишмоқда” дея ҳазиломуз якунлади.

■ Олим ЭРГАШЕВ
тайёрлади.



НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ


ривожлантириш билан маҳсус Марказ шуғулланади

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги
311-сон қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази ташкил этилмоқда.**

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгиланди:

- фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни, шунингдек, нанотизимлар, наноматериаллар ва нанотехнологиялар соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, нанотехнологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга оширишда қатнашиш, нанотехнологиялар ривожланишининг замонавий халқаро тенденцияларини таҳлил қилиш;
- жамоавий фойдаланилдиган лаборатория фаолиятини ташкил этиш ва таъминлаш, олий таълим муассасаларида Марказнинг моддий-техника базасини нанотехнология соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган замонавий илмий ускуналар билан мустаҳкамлаш;
- нанотехнологиялар соҳасида инновацияларни амалга ошириш мақсадида олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа манбаатдор ташкилотлар ва хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш;
- фундаментал ва амалий илм-фани ўкув-тадқиқот, ба-

калавриат ва магистратура талабаларининг лаборатория ва курс ишларини, ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларни бажариш учун лаборатория базасидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда, ўкув-методик ишлар даражасини янги ўкув дастурлари, дарслеклар, ўкув қўлланмалари яратишда иштирок этиш орқали таълим жараёнининг барча босқичлари билан ҳамкорлигини таъминлаш;



- халқаро алоқаларни ўрнатиш, нанотехнологиялар соҳасида ҳамкорликда халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бажариш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишка иштирок этиш;
- нанотехнологиялар соҳасида магистр ва докторантлар тайёрлашда илмий-методик ёрдам кўрсатиш.

Марказ Ўзбекистон Миллий университетининг Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-й манзилидаги физика факультети биносига жойлаштирилади.

Университет ректорига, зарурат бўлганда, Марказ тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилди. Марказ ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Марказни замонавий илмий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молиявий ташкилотлар кредитларини жалб этиш чораларини кўриш топширилди.

Марказ фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш, уни замонавий илмий ускуналар билан жиҳозлаш, илмий фаолиятини ўкув жараёни билан интеграциялаш бўйича биринчи навбатдаги чоралар режаси уч ой муддатда тасдиқланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 2018 йил 30 апрелдан кучга кирди.

ЯНГИ ЖАМГАРМА

Адлия вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалигида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион технологияларни ривожлантириш “АгроИнновация” жамғармаси” жамоат бирлашмаси давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги секторига юқори самарали инновацияларни ва инновацион технологияларни кенг жорий этишини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.



Таомни совутиброк истеъмол қилинглар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди.

Қўшнингга яхшилик қил – тинч бўласан. Ўзинг севган нарсани одамларга ҳам раво кўр – саломат юрасан. Кўп кулма. Кўп кулиш дилни ўлдиради.

Ўзингга ёқкан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!

Агар гуноҳ иш махфий қилинса, фақат эгасигина зарар кўради. Ошкора қилинганда эса зарари ҳаммага уради.

Бир мўмин bemор ётган бошқа бирор мўмин биродарини кўргани борса, босиб ўтган йўлларида жаннат боғларида юргандек бўлади.

Бирор киши гапирган пайтида у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, демак шу гап омонатдир.

Бирор киши сени бор айбингни айтиб ҳақоратласа, сен уни унда бор айби билан ҳақоратлама. Шунда бунинг савоби сенга, гуноҳи унга бўлур.

Одамларга кенг юракли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Тангри аёллар билан яхши муомилада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир.

Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки киймини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман.

Зоту насабингизни яхши таниб олинглар, тики қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин.

Ўзи яқин тургани билан силаи раҳм (мурувват) бўлмаса, унинг яқинлигидан фойда йўк. Ўзи узоқ тургани билан силаи раҳм бўлса, узоқлигининг зарари йўк.

Тангри покдир, покизаликни яхши кўради, тозадирки, тозаликни яхши кўради, сахийдирки, сахийликни яхши кўради, ҳовли, саҳн ва турар жойларингизни тоза тутинглар.

Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Борди-ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади.

Биродарларингизга – хоҳ у золим бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг. Сўрадилар: “Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлиқ қандай?” Жавоб бердиларки: “Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамингиз бўлади”

Хориж тажрибаси

ГОЛЛАНДИЯ ИННОВАЦИОН ЗИРОАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига багишланган тантанали маросимда соҳани ривожлантириш ҳақида сўз юритар экан, аграр тармоқни тараққий эттиришда инновациянинг ўрнига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: “Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди”.

Албатта, бу жараёнда биз дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини ўрганишимиз, лозим бўлганда, тўпланган тажрибаларни амалиётга татбиқ этишимиз жоиз. Шу маънода, Голландиянинг қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз юритишини лозим топдик. Зоро, ушбу мамлакат дунёда қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган, тараққиёт инновацион тарзда давом этаётган давлатлардан биридир.

Бу юртда ҳозирги кунда аграр соҳада фаолият юритаётган бир иш билармон 112 нафар кишини боқади. Германия ва Францияда бу кўрсаткич 2-3 маротаба кам. Россияда эса 9 тага тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат қишлоқ хўжалиги билан аҳолининг атиги 2 фоизи шуғулланади. Голландия озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз мамлакати аҳолисини тўла таъминлабгина қолмасдан, бу

маҳсулотлар экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

ИННОВАЦИЯ – АСОСИЙ СИФАТ

Гарчанд мамлакат ер майдони кам бўлса-да, дунё қишлоқ хўжалиги бозорида гигант мамлакат ҳисобланади. Голландияликлар “мамлакатимиз кичик бўлса-да, унинг ҳар бир квадрат метри юқори инновацион сифатга эга” деб фаҳр билан сўзлашади.

Мамлакатда турли соҳалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва уни механизациялаш, автоматлаширишга инновацион инвестициялар жуда кўп киритилади. Эйндоховен шаҳри дунёдаги энг инновацион ва истиқболли шаҳар, деб тан олинганилиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ниҳоятда ривожланган. Шу сабабли бозорга ўн мингдан

ортиқ номдаги турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари йилнинг ҳамма фаслида сотувга чиқарилади. Дунёда ахоли зичлиги бўйича энг юқори ўринда бўлганлиги сабабли бу ерда ҳар бир квадрат метр жойдан тежаб-тергаб фойдаланилади. Голландия қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳалари бўйича инновацион технологияларни жорий этиш борасида дунё эътироф қилган мамлакат ҳисобланади. Айниқса, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, уруғчилик, ем-хашик ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, гулчилик соҳасида бу давлат билан беллашадиганлар йўқ.

Голландия қишлоқ хўжалиги 4 та инновацион “кит”га таянади:

- 1) механизация;
- 2) ихтисослашув;
- 3) интенсификация
(унумдорлик ва самарани ошириш);
- 4) компьютерлаштириш.

Кейинги пайтларда мамлакатда бошоқли экинлар, қанд лавлаги ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг ошиши, шунингдек, чорвачилик, паррандачиликда маҳсулдорликнинг кўпайиши бевосита уруғчилик, наслчилик ва генетика фани ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга ошмоқда. Масалан, ўсимликшуносликда ҳар хил қасалликларга чидамли шундай навлар яратилганки, бу ўсимликларга инсон саломатлигига зарар етказувчи кимёвий воситаларни ишлатишга ҳожат йўқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидага генетика, ген муҳандислиги фанларига алоҳида эътибор берилади. Айни вақтда алмашлаб экиш масалалари ҳам тўғри йўлга кўйилган. Ҳозирги кунда Голландияда бўғдой, картошка, маккажӯхори (силос учун) – қанд лавлаги алмашлаб экиш тизими қабул қилинган. Ерни ҳар хил қасалликлардан, нематодалардан сақлаш мақсадида бир майдонда картошкани 4 йилда бир мартадан, қанд лавлагини эса 3 йилда бир мартадан ортиқ экиш қонун билан тақиқланади.

ҲАР БИР ҚОРАМОЛНИНГ “ПРОПИСКАСИ” БОР

Бу ҳеч ҳам муболага эмас. Негаки, Голландия чорвадорларида ҳар бир сигирнинг аждодиу ўзи ҳақидамаълумот мавжуд. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги чорвачилик алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи ўринда йирик шохли молларни кўпайтириш туради. Юз йилдан кўпроқ вақтдан бўён ҳар бир подадаги моллар бошма-бош санаб чиқилиши ва наслчилик китобига ёзиб борилиши йўлга кўйилган. Бир неча ўн йиллардан бўён бу маълумотларнинг ҳаммаси компьютерга туширилган. Хоҳлаган киши компьютер орқали мамлакат худудидаги исталган сигир ёки буқа ҳақида бир неча сониялар ичida тўла ахборот олиши мумкин. Голландияда қора-ола гольштин-фриз моллари кўп тарқалган (63 фоизни ташкил қиласди). Бу наслли сигирлар лактация даврида 9 минг литр сут беради (айрим сигирлар 20 минг литргача ҳам сут берар экан). 35 фоизга яқин пода қизил-ола моллар ҳисобланади. Мамлакат бўйича бир гектар яйлов ҳисобига 9,5 минг литр сут олинади, бу кўрсаткичга дунёнинг ҳеч бир давлати етиб олгани йўқ. Сутининг микдори бир йилда 5600 литрдан камайиб кетса, сигирлар гўштга топширилади.

Мамлакат эътирофи ва хурмати сифатида сигир Голландиянинг фаровонлик тимсоли ҳисобланади. Унга маҳсус ҳайкал ўрнатилиб, бу жой мамлакатнинг диққатга сазовор ва сайёхлар келиб кўрадиган жойи дарражасига тенглаштирилган.

Йилнинг иссиқ фаслида озиқлантириш асосини яйловлардаги озуқалар ташкил қиласа, қишида концентратлар кўшиладиган маккажӯхори силоси, сенаж, куритилган хараклардан иборат бўлади.

Ҳар бир фермада 3 кунлик соғилган сутни сақтайтириш ҳажмда музлаткичлар мавжуд. Сутни қайта ишлаш жуда кўп турдаги юқори сифатли маҳсулотлар тайёрловчи кооператив корхоналарда амалга оширилади. Соғилган сут мамлакат

ичкарисида фойдаланилса, уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар асосан экспорт қилинади. Яна бир муҳим масала шундаки, бузоқлар учун ажратилган сутга тегиши ёки уни қайта ишлаш қатъиян тақиқланади.

ИЛМИГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ

Чорвачилик соҳасидаги эришилган улкан ютуқлар нафақат тарихий, кўп асрлар давомида орттирилган тажрибалар на-тижасигина бўлиб қолмасдан, балки наслчиликда фаннинг охирги инновацион ютуқларини кўллаш, масалан, сунъий қочиришда ҳозирги замон ютуқларидан фойдаланиш, эмбрионал трансплантациясини кўллаш каби усуслари кенг жорий этилганлигидир. Селекция ишлари энг яхши наслли зотларнинг уруғларидан музлатилган ҳолда 5 миллион дозадан иборат маҳсус спермобанклар яратилган.

Голландияда муҳим йўналишлардан яна бири паррандачилик ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатда 90 миллиондан ортиқ товуқ боқилади. Паррандачилик фермасида бир кунда товуқнинг вазни ўртача 64 граммга ўсади. 1 килограмм парранда гўшти олиш учун 2,3 озуқа бирлиги сарфланади. Бройлер фермаларида бу кўрсаткич яна ҳам кам – 1,99 озуқа бирлигини ташкил қиласди.

Мамлакатда табиий бошоқлар ва ем-хашик экилган майдонлар 1,2 миллион гектардан иборат. Бу майдонларда энг сара навли уруғлар экилган бўлиб, бир гектар майдондан 80 тонна силос массаси ёки 13,5 тонна куруқ хашик олиш мумкин.

Голландия ҳар йили 40 дан ортиқ мамлакатга 20 минг тоннагача ўт-ўлан ва хараклар уруғини сотиб, жуда катта фойда кўради. Ер тақислиги учун ҳар хил ўтлар ва харакларнинг уруғини бошқа мамлакатларга (Германия, Франция, АҚШ, Польша ва ҳ.к) бориб экиш амалиёти кенг жорий этилган. Бу ҳолатда ҳисоб-китоб ем-хашиклар уруғи билан амалга оширилади.



Чет элларга бориб экилгандар уруғ миқдори Голландиянинг ўзида олинган ҳосилга нисбатан бир неча баробар кўп экан.

Чорвачилик, айниқса, паррандачиликда эришилган ютуқлар омихта ем ишлаб чиқариш билан ҳам узвий боғлиқ. Голландияда омихта ем таркибидаги протеин миқдори дунёдаги энг кўп кўрсатичга (16%) эга ҳисобланади.

ИССИҚХОНАЛАР ВА ГУЛЛАР ДИЁРИ

Голландияда мева-сабзавотчилик соҳаси йирик механизациялашган ва рентабелли соҳалардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат “иссиқхоналар мамлакати” деб бежиз айтилмайди. Автомобилда “Амстердам-Роттердам” йўналишлари бўйича сафар қилсангиз, бир неча ўнлаб километрдан иборат улкан иссиқхоналарни кузатиб, голландлар меҳнатига яна бир бор таҳсин айтасиз.

Иссиқхоналарда сув, ўғит ва зараркунандаларга қарши курашиб моддаларини етказиб бериш, микроэлементлар, йилнинг барча фаслида бир хил ҳарорат ва намликни яратиб бериш – буларнинг ҳаммаси автоматлаштирилган.

Бу мамлакат шампиньон замбуруғлари етиштириш бўйича ҳам дунёда етакчи давлат ҳисобланади. Ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизи экспортга чиқарилади. Иссиқхоналарда механизация ўта ривожланганлиги туфайли бир йилда 6 мартағача замбуруғ экилиб, ҳосили териб олинади.

Иссиқхоналарда сабзавотлар кўчати етказиб бериш саноат асосида намуна бўладиган дарражада йўлга қўйилган. Кўчат етиштиришнинг асосий қисми маҳсус мажмуаларга тўғри келади. Етиштирилган кўчатларнинг аксарияти Европанинг деярли барча мамлакатларига экспорт қилинади. Одатда кўчатлар йил бўйи тайёрланади.

Голландия иссиқхоналари замон талабига қараб мунтазам та-комиллаштирилиб борилмоқда.

Бу юртни “гуллар мамлакати” ҳам дейишади. Шахсий, жамоатчилик ва давлат тасаруфидаги хоналарда коридор, балкон, ҳовли, кўча ва ўнлаб километр йўллар атрофида кўзни қувонтирувчи ранг-баранг гулларни кўрасиз. Еттига гулчилик илмий-тадқиқот маркази ва минглаб боғбонлар гулларнинг янги навларини етиштироқда. Масалан, ҳар йили мамлакат бўйича атиргулнинг юздан ортиқ нави рўйхатга олинади. Гул навларини рўйхатга олишда эксперталар гулнинг ранги, унинг шакли, ҳиди, рангининг барқарорлиги каби талабларни қўйишади. Очиқ тупроқдаги гулчилик умумий гулчиликнинг 10 фоизини ташкил қиласи.

Савдода энг кўп талаб қилинадиган атиргул, иккинчи ўринда хризантема, ундан кейин гвоздика турар экан. Лола эса олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Дунё гул савдосининг 60 фоизи Голландия улушкидир. Бу соҳада ҳам у биринчи ўринда туради.

ИШБИЛАРМОН – ИННОВАТОР ДЕМАК

Шу ўринда голландларнинг тадбиркорлиги ҳақида ҳикоя қилиб ўтсак. Голландияга сафаримиз чоғида 250 дан ортиқ қорамол боқиладиган чорвачилик фермаси билан танишдик. У ерда ҳар бири алоҳида ўралган 8 та яйлов (йт ўсиб турган майдон) бор экан. Қорамоллар бир яйловнинг ўтини тозалаб бўлгач, озуқа тугаганини компьютер автоматик рашишда аниқлаб, кейинги яйловнинг эшигини очар экан. Тўсиқ очилгач, қорамоллар тезда кейинги яйловга ўтиб, ўтлашга киришиб кетди. Таблода яйловнинг неча фоизида ўт қолгани кўриниб турибди. Чорвадор бу жараённи хоҳласа уйда, хоҳласа ишда ёки бошқа интернет бор жойда бошқариши мумкин экан. Шунда бизни лол қолдирган яна бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик: тадбиркор билан сұхбатимиз қизиб, вақт ўтганини билмай қолибмиз.

Компьютер қорамоллар молхонага сут беришга келадиган вақт бўлганини билдириди. Оператор ўз тилида бир нарсалар деганди, биздан узоқроқда ўйнаб юрган ит олдига югуриб келди. Яна бир нарсаларни гапирган эди, ит югуриб қорамоллар ўтлаб юрган яйловга бориб, сигирларни молхонага ҳайдаб келди. Ит операторнинг буйругини, моллар эса итнинг буйругини сўзсиз бажарганини кўриб ҳайратга тушдик. Бу ҳам ҳар бир ишга илмий ёндашишнинг меваси эди.

ТАДБИРКОРЛИК ФАЛСАФАСИНИ ЭРТА ЎРГАНАДИЛАР

Голландияда мамлакат аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда тадбиркорларнинг фоизи дунёда энг юқори даражада. Тадбиркорлик билими ва фалсафаси ёшлиқдан – боғча, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртидан сингдирилиб, шакллантириб борилади. Уйда ва мактабда голландлар ўз болаларини креатив асосда, амалдаги стандартларга тўғри келмайдиган ноанъанавий инновацион ғоялар билан фикрлашга даъват қилиб тарбиялайдилар.

Мамлакат ёшларига дунё стандартлари даражасида билим олиш учун барча шароит яратилган. Жаҳоннинг юзта энг илғор олий таълим муассасаси қаторига 3 та Голландия университети, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасига кадрлар тайёрлаб берувчи Вагенинген университети ҳам киради.

Голландияда инновация жадал ривожланиб кетишининг сабабларидан яна бири ўта ривожланган инфратузилма яратилганинига мөмкин. Бу соҳада ҳам Голландия дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Бу юртда қишлоқ хўжалигига юқори даражада механизациялашган, автоматлаштирилган инновацион ғоялар ҳар бир қадамда сингдирилган. Шу сабабли меҳнатга яроқли ахолининг бор йўғи 2 фоизи қишлоқ хўжалигига жалб қилинган.

Бундан ташқари, Голландия қишлоқ хўжалиги соҳасида дунё бўйича кадрларни амалий тайёрлаш, аниқ инновацион дехқончилик ва чорвачиликни

амалга ошириш, механизациялаш ва автоматлаштириш каби дастурларни реализация қилиш ва амалий малакавий ёрдам бериш ҳисобига жуда катта фойда кўради.

“ПАСТЛИҚДАГИ ЕР”ДАН ДУНЁГА БЎЙЛАГАН ДАВЛАТ

Немис тилида Нидерландия – “пастлиқдаги ер” маъноси ни билдиради. Ҳақиқатан ҳам, мамлакат умумий майдонининг учдан бир қисми океан сатҳидан паст. Шунга қарамай Голландиянинг ЯИМ 700 миллиард доллар бўлиб, аҳоли жон бошига 40,7 минг еврога тўғри келади ва бу соҳада ҳам дунёning кучли 10 та давлати қаторига киради.

Мамлакат умумий ер майдонининг 65 фоизини қишлоқ хўжалиги эгаллаган. Мамлакатдаги 4,5 миллион қорамолдан 2,5 миллион бosh сигир сут ишлаб чиқаришга ажратилган. Ёғ етишириш бўйича Европада 5-урин, пишлок ишлаб чиқариш бўйича 4-уринда туради. Мамлакатдаги 1,5 минг гектар ис-

сиқонанинг тахминан 60 фоизи гулчиликка ажратилган.

Аграр соҳа экспорти бўйича мамлакатга мева-сабзавотлар 12 миллиард, сут маҳсулотлари 5 миллиард евро фойда келтиради. Ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалиги мамлакатга 85 миллиард евро даромад олиб келади. Дунёда Голландиянинг агроинновациялари ва янги технологияларига йилдан-йилга талаб ошиб бормоқда. Шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонлар генетикаси, юқори технологик ускуналар ишлаб чиқариш, микро ва нанотехнологиялар бўйича дунёда биринчилукни бермай келаётir.

Буларнинг барчаси фақат инновация ва инновацияга интилиш ортидан. Демакки, айни шу жиҳатлар “пастлиқдаги ер”дан дунёга бўйлашиш имконини бермокда.

■ Баҳриддин ЗАРИПОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллый
университети
профессори.

Кашфиёт

ЛАБОРАТОРИЯДАН – ДАЛАГА

Тошкент давлат аграр университети ректори, академик Ботиржон Сулаймонов бошчилигидаги бир гурӯҳ олимлар тунлам капалакларига қарши курашишда янги усул – ёриткичли тутқич мосламасини таклиф қилмоқда. Маълумки, кўпгина зараркунанда капалаклар тунда фаол бўлади. Шунинг учун бундай ҳашоратлар тунлам капалаклар деяюритилади.

Ушбу кашфиётнинг аҳамияти шундаки, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ экинларига катта зарар келтирадиган тунлам капалакларини кечқурун маҳсус кутидан тараладиган ёруғлик ёрдамида бир жойга тўплаш мумкин. Ушбу ускуна боғ, ғўза ва бошқа экинлардаги зарарли тунлам капалакларини камайтириш, уларнинг қишлоғдан чиқиш ва ялпи учиш муддатларини аниқлаш, капалакларнинг тур таркибини, кўпайиш зичлигини аниқлаш, тарқалиш майдонини белгилаш мақсадида қўлланилади. Бундан ташқари, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги турли илмий тадқиқотларда ҳам кенг фойдаланиш имкони мавжуд.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда турли усуллар қўлланмоқда. Жумладан, пахта далаларида феромон тутқич усули татбиқ қилинмоқда. Бунда ёғоч дастакка маҳкамланган қоғозга урғочи тунлам

капалаги гармони суртилган маҳсус елим ёрдамида эркак капалаклар тутилади. Янги усулнинг афзаллиги, унда барча капалакларни баравар тутиш имкони мавжуд.

Ёриткичли тутқични нафақат пахта ва ғалла майдонларида, балки, боғ ва сабзавот экинлари дала-лари, томорқаларда ҳам қўллаш мумкин. Энг муҳими, тутқич ёрдамида зараркунандаларга қарши курашишда иш самарадорлиги 60-70 фоизни ташкил қиласи. Ушбу ускуна дехқончилик мавсумида 1500 дан 2200 тагача зарарли қўртлар тарқалишининг олдини олиб, ғўзада ўртача 300, помидорда 600, дуккакли экинларда эса 150 кг. ҳосилни сақлаб қолиш имконини беради.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ (ЎЗА).






Ер билан тиллаша оладиган Lemken маҳсулотлари

Ерга ишлов бериш бўйича янги технологиялар жорий этилиб, оммалашаётганига қарамай, қишлоқ хўжалигига омочлар ўз мавқенини сақлаб қолмоқда. Таъкидлаш керакки, улар ҳам қачонлардир “инновация” янгиликлари сифатида қабул қилинган.

